САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Хамидов Лутфулло Пайзуллаевич

Банк фаолиятига оид матнларнинг социопрагматик тадқиқи

10.00.04 - Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2021

УДК: 81.373.49(512.133)000304
Х 18

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological sciences

Хамидов Лутфулло Пайзуллаевич
Банк фаолиятига оид матнларнинг социопрагматик тадқиқи 3

Хамидов Лутфулло Пайзуллаевич
Социопрагматическое исследование текстов банковской деятельности 29

Khamidov Lutfullo Payzulloyevich
Sociopragmatic study of banking texts. 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 59

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ХАМИДОВ ЛУТФУЛЛО ПАЙЗУЛЛАЕВИЧ

БАНК ФАОЛИЯТИГА ОИД МАТНЛАРНИНГ СОЦИОПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ

10.00.04 - Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Fil437 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdchti.uz ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Рахимов Ғанишер Худойқулович** филология фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Ризаев Баходир Хайдарович** филология фанлари доктори, профессор
	Юсупова Шоира Батировна филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «____» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e–mail: info@samdchti.uz.

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2021йил «____»_____куни тарқатилди.
(2021 йил «____» _____даги №___ рақамли реестр баённомаси).

И.М.Тухтасинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси педагогика фанлари доктори, профессор

Ғ.Қ.Мирсанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, DSc, доцент

Ш.С.Сафаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигининг сўнгги йиллардаги тараққиётида турли соҳалар ихтисослик матнларининг кундалик ҳаётда тутган ўрни, уларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, инсон амалий фаолиятига оид матнларнинг тузилиши, мазмун ифодасидаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Зеро, ихтисослик матнининг, шу жумладан, банк фаолиятига доир мулоқот матнининг коммуникатив табиати дискурсив таҳлили прагматика ва социолингвистика соҳаларининг муҳим тадқиқот объектидир. Банк фаолиятининг маҳсулотлари бўлмиш тўлов тизими ва ҳисоб-китоб ва касса операциялари, молиявий ҳисобот каби банк соҳаларининг матнлари инсон моддий оламининг бир қисми, касбий тажрибасининг элементи ва амалий фаолиятининг асосидир. Бу йўналишдаги изланишлар тиллараро ва маданиятлараро мулоқот доирасида инсонлар ўртасида кечадиган муносабатларнинг онтологик моҳияти ва социопрагматик механизмини аниқлаш имконини беради.

Дунёнинг етакчи илмий мактабларида ихтисослик матнлар тизимининг онтологик ва ахборот мазмуни хусусиятларини лисоний-нутқий, маданий ва миллий менталитет нуқтаи назаридан тадқиқ этиш муаммоси энг устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида халқаро ташкилотларнинг шаклланиши, кўп тилли анжуманларнинг ўтказилиши, халқаро даврий нашрларнинг чиқарилишини қамраб оладиган глобаллашув жараёни билан боғлиқ маданиятлараро мулоқотда фаоллашадиган махсус матн турларининг дискурсив воқеланишига таъсир кўрсатадиган социопрагмалингвистик омилларни ўрганиш масаласи тобора долзарблашиб бормоқда.

Мустақилликнинг сўнгги йилларида ўзбек тилшунослигида махсус матн тизимларини замонавий тамойиллар асосида тадқиқ этиш, жаҳон илм-фани илғор ғояларини ижодий ўзлаштириш тажрибаси шаклланмоқда. Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шартлиги тилшунослик соҳасидаги изланишларнинг назарий ва амалий жиҳатдан янада юқори босқичга кўтарилиши лозимлигини кўрсатди. Ўзбекистонда турли мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликларнинг янги босқичга кўтарилиши хорижий тиллар тадқиқи ва таълимини маълум бир тил соҳибларининг маданияти, менталитети, ижтимоий муносабатлари ва дунёқарашидаги ўзига хослик асосида ташкил қилиш заруратини юзага келтирмоқда. Зеро, “фан ва маърифат нафақат ёшларнинг, балки бутун жамиятимизнинг ҳам интеллектуал ва маънавий салоҳиятини оширишда биринчи даражали аҳамиятга эга”[1]. Ўзбек тилшунослигида тил бирликлари–

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаати.28.01.2020 й. Интернет ҳавола:https://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020

нинг социопрагматик ва когнитив хусусиятлари изчил ўрганилмоқда. Ушбу йўналишлардаги тадқиқотларнинг аҳамияти турли кўринишдаги матнларнинг тузилиши ва мундарижасида мавжуд бўлган умумий ва фарқли жиҳатларни аниқлаш ва изоҳлаш зарурати билан изоҳланади. Бундан ташқари, матн ҳодисаларининг кенг кўламда ўрганилиши чет тилларни ўрганувчиларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантиришга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида", 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон "Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789 сон "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775 сон "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон "Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг: I. "Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз банк фаолияти оламининг лисоний манзарасини ўрганишга кўплаб илмий ишлар (Jones 1992; Hefferman 2004; Huertas 1990; Аверьянова 1996; Голубович 1994; Козлова 1996; Колесникова 2012; Комионский 1995; Трифонова 2004; Шетле 2007) бағишланган. Инглиз банк фаолияти тўғрисида умумий маълумотлар инглиз тилининг лексикологияси, стилистикаси, матн тилшунослиги бўйича ишларда тақдим этилган (Уайтинг 1996; Лаврушина 1995) ва қатор лингвистик тадқиқотларда ёритилган (Saunders 1994; Verdone 2016; Сарангова 2012). Инглиз банк терминологиясининг мажмуини қиёсий

тилшунослик ва таржима назарияси нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш масалаларига бир қатор ишларда (Федорова 2015) эътибор қаратилган. Шунингдек, банк терминологияси ва сленгларнинг ўзаро функционал нисбати (Эркинов 2011), махсус банк лексикасининг бугунги ҳолати ва ясалиш моделлари (Борисова 2009; Сидоренко 2005; Худинша 2005), лексикографик манбаларни яратиш (Law 2008; Федоров 1995; Қ. Мусаев луғати), банк фаолиятини акс эттирадиган атамаларнинг инглиз ва америка вариантларининг фарқли томонларини қиёсий тадқиқ этиш (Розенберг 1997; Тавасиев 2014) каби масалалар ҳам тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолмаган. Бироқ, инглиз банк матнлари мазмун кўламининг шаклланишида муҳим ўрин тутадиган социолингвистик ва прагмалингвистик омилларнинг тўлиқ тадқиқи амалга оширилмаган[2].

Ўзбек банк тизимини лингвистик, социолингвистик ва иқтисодий нуқтаи назардан ўрганишга бағишланган тадқиқотларда банкларнинг номинатив вазифаси, аҳоли турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни, банк инвестицияларининг реал секторга йўналтирилишига оид қимматли маълумотлар берилган (Ваҳобов 2009; Кахаров 2009; Мавлонов 2009; Маҳрамова 2009; Таджибаева 2009). Ўзбек тили банк-молия терминологияси система сифатида шаклланишида ўзлашма атамаларнинг ўрни ва келиб чиқиш манбалари ҳақида ҳам фикрлар билдирилган (Муҳамедова, Ширинова 2013; Ширинова 2020)[3].

---

[2] Jones G. Multinational and International Banking. - Aldershot, UK and Brookfield, USA: Edward Elgar, 1992. – 610 p.; Hefferman S. Modern Banking. England: Chichester, 2004. - 716 p.; Huertas T. US multinational banking: history and prospects. - London, UK and New York, USA: Routledge, 1990. -P.254-263; Аверьянова Л.В. Банковская корреспонденция на английском языке: Учетно-расчетные операции. М.: Менатеп-Ин - форм, 1996. – 100 с.; Голубович А.Д. и др. Валютные операции в комерческих банках. – М.: Менатем-Информ, 1994. – 240 с.; Козлова Е.П., Галанина Е.Н. Бухгалтерский учет в комерческих банках. – М.: Финансы и статистика, 1996. – 338 с.; Колесникова К.А. Функционально-семантические особенности вербальных репрезентантов базовых понятий кредитно-финансовой сферы в современном английском языке: "cash", "investment", "credit", "finance": автореф. дис. ... канд. филол. наук. Белгород, 2012. - 21 с.; Комионский С.А. Наука и искусство управления современным банком. – М.: Intersta to Publishers, 1995. - 157с.; Трифонова Е.Н. Полисемия банковских терминов в английском языке: Дис. ... канд. филол. наук. Омск, 2004. - 141 с.; Шетле Т.В. К вопросу о системности терминологии банковского дела // Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей. М.: МАКС Пресс, 2007. Вып.35. С.87-103.; Уайтинг Д.П. Осваиваем банковское дело. Пер.с англ / Под ред. В.В.Мирюкова. М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1996. – 623 с.; Лаврушина О.И. (ред.) Банковские операции: учеб. Пособие. М.: ИНФРА-М., 1995. - 514 с.; Saunders A., Walter I., Universal Banking in the United States. - New York: Oxford University Press, 1994. - P.277; Verdone M. How to Be Hip: Big Banks Can Market to Millennials. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://adage.com/article/cmo-strategy/hip-ways-banks-market-millennials/299176 (дата обращения 26.05.2016).; Сарангова Т.А. Специфика банковских терминов “Investor Relations” в русском и английском языках // Вестник РУДН. Серия: Теория языка, семиотика, семантика. М.: РУДН, 2012. №4. С. 82-86; Федорова А.В. Английская и русская терминологические системы банковской сферы: Дис. … канд. филол. наук. М., 2015. – 193 с.; Эркинов С.Э. Семантико-тематический принцип изучения профессионализмов в английском языке (по данным лексики фразеологии военной сферы). Челябинск: ЧГПУ, 2011. № 5. С. 337–347; Борисова Ю.А. Специальная банковская лексика: этимология, диахрония, современное состояние // Лингвистика. М.: Изд-во МГОУ, 2009. № 3. С. 115–120; Худинша Е. А. Особенности становления и развития английских базовых терминов в подъязыке экономик: Дис. … канд. филол. наук. Омск, 2011. - 159 с.; Law J., Smullen J. Oxford Dictionary of Finance and Banking. – 4th Edition. – Oxford University Press, 2008. – 471 p.; Федоров Б.Г. Англо-русский банковский энциклопедический словарь/ СПб.: Лимбус Пресс, 1995. – 496 с.; Розенберг, Д.М. Словарь банковских терминов: пер. с англ. М.: ИНФРА-М, 1997. 358 с.; Тавасиев А.М. Банковское дело: учебник для бакалавров / А.М. Тавасиев. - М.: Изд-во Юрайт, 2013. - 647с.

[3] Ваҳобов А. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни // Бозор, пул ва кредит. – 2009. – № 10. – Б. 18–21; Кахаров К. Оценка современного состояния использования коммерческими

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат чет тиллар институтида тилшунослик ва методика кафедралари ҳамкорлигида олиб борилаётган “Замонавий тилшуносликнинг янги йўналишлари” илмий-тадқиқот ишлари режасига кўра бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз лингвомаданий ҳамжамиятида банк матнлари мазмун кўламини шакллантиришда иштирок этадиган лисоний ва нолисоний воситалар тизимини аниқлаш ва банк фаолиятига оид матн турларининг ўзига хос социолингвистик ва прагмалингвистик хусусиятлари тавсифини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

банк матни тушунчасининг мазмуни, таркибий қисмлари ва лексик манзарасини очиб беришда таяниладиган тамойилларни белгилаш;

банк матнларининг иқтисодий мулоқот бирлиги сифатида шаклланишида намоён бўладиган ўзига хос интертекстуаллик жараёнлари моҳиятини ёритиш;

банк матнларини социолингвистик аспектда ўрганиш имкониятларини очиб бериш;

банк матни ахборот мазмунининг шаклланишида адресат ва адресант омилларининг ўрнини аниқлаш;

банк матнларини прагматик аспектда ўрганиш имкониятларини тасвирлаш мақсадида уларни ташқи ва ички белгилар бўйича тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида банк фаолиятига оид матнлар ва уларни шакллантиришда иштирок этадиган лисоний бирликлар олинди.

Тадқиқотнинг предметини банк матни ахборот мазмунининг шаклланишини таъминлайдиган социолингвистик ва лингвопрагматик мезонлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, дискурсив-таҳлил, контекстуал таҳлил, компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат**:**

банк матни тушунчасининг мазмуни, таркибий қисмлари ва тиллараро лексик манзарасини очиб беришда таяниладиган адресат, адресант, коммуникация каби лисоний тамойилларнинг социопрагматик кўлами аниқланиб, уларнинг фаоллашуви мулоқот контенти, вазияти билан боғлиқ эканлиги далилланган;

банками Узбекистана потенциала ценных бумаг // Эксперт. 2009. № 10. – С. 50–52; Мавлонов Н. Банклар фаолияти тизим шаънини юксалтирмоқда // Бозор, пул ва кредит. 2009. № 11. – Б. 17–18; Маҳрамова О. Банк инвестициялари реал секторга йўналтирилмоқда // Бозор, пул ва кредит. 2009. № 11. – Б. 20–22; Таджибаева Д. Общие принципы взаимодействия банков и МФО: проблемы и перспективы // Эксперт. 2009. № 10. – С. 46–49; Муҳамедова С., Ширинова Е. Ўзбек тили банк-молия терминологияси система сифатида //Тилшуносликнинг долзарб масалалари: Илмий мақолалар тўплами. VI китоб.-Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 129-132; Ширинова Е. Т. Ўзбек тили банк-молия терминологияси: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.-Тошкент: 2020. – 152 б.

банк матнларининг иқтисодий мулоқот бирлиги сифатида шаклланишида намоён бўладиган интертекстуаллик дискурсив жараёнларининг кечиши ва натижасини белгиловчи ўзига хос моҳияти аниқланган;

банк матнларини социолингвистик аспектда ўрганишнинг тил тизими бирликлари фаоллашуви билан боғлиқ соҳа фаолияти билан изоҳланадиган лисоний ва нолисоний омилларига мансуб коммуникатив мақсад турлари ва мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий мақоми, мулоқот вазияти ва матннинг ёзма ёки оғзаки турга оидлиги каби информатив характерини аниқлаш имкониятлари очиб берилган;

банк матни ахборот мазмунининг шаклланишида адресат ва адресант омиллари иштирокининг шахслараро муносабат доирасида намоён бўладиган гендер, ёш, ижтимоий мақом каби социопрагматик ва концептуаллаштириш ҳамда категориялаштириш жараёнида кечадиган когнитив мавқеи аниқланган;

банк матнларини прагматик аспектда ўрганиш имкониятлари кўламини белгилаш уларнинг ташқи ва ички белгиларининг тил ва миллий маданият муносабати доирасида шаклланадиган лингвомаданий хусусиятига боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат**:**

инглиз тилидаги банк фаолиятига оид атамаларнинг ҳозирги ҳолати тавсифланган ҳамда банк матнлари мазмун кўламини шакллантиришда иштирок этадиган сўз, атама, образлар тизими аниқланган;

банк матнларини социолингвистик аспектда иқтисодий мулоқот бирлиги сифатида таҳлил қилиш асосида банк фаолияти иштирокчиларининг ижтимоий мавқеини белгилашнинг дискурсив мезонлари ишлаб чиқилган;

инглиз банк матнларини ташқи ва ички белгилари бўйича прагматик аспектда ўрганиш йўллари ва статистикаси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган ёндашув ва таҳлил усулларининг замонавий лингвистик назарияларга мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқ материалининг ишончли манбалардан олинганлиги, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, хулосаларнинг қатъийлиги, таклиф ва тавсифларнинг амалиётда жорий қилингани, олинган натижалар жорийланишининг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз тили банк матнларини социопрагматик аспектда таҳлил қилиш асосида банк матни семиотикасининг лисоний ва нолисоний кўринишда воқеланиш имкониятлари аниқланганлиги билан, иқтисодий мулоқот бирлиги сифатида фаоллашувчи банк матнлари типологиясининг яратилганлиги билан, терминология, грамматика, лексикология, стилистика, социолингвистика ва прагмалингвистика соҳалари тадқиқот кўламининг бойитилгани ҳамда матн турларининг лингвопрагматик хусусиятлари ёритилганлиги билан ҳамда олинган назарий хулосалар банк матнларининг лингвосоциопрагматик

таркибий қисмлари ва миллий - маданий табиатини асослашда, банк матнларининг дискурсив-прагматик хусусиятларини ёритишда келгуси тадқиқотлар учун илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, даставвал, унинг натижаларидан олий ўқув юртлари хорижий филология факультетларида “Инглиз тили лексикологияси”, “ Инглиз тили стилистикаси” фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказишда, назарий тилшунослик, матн тилшунослиги, дискурс ва социопрагматика соҳаларига оид махсус семинарларни ташкил қилишда, янги кўринишдаги ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий мажмуалар, луғатлар, маъруза матнларини яратишда, битирув малакавий иши ва турли диссертацион тадқиқот ишларини бажаришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Банк фаолиятига оид матнларнинг социопрагматик тадқиқи мавзусидан чиқарилган илмий натижалар асосида:

банк фаолиятига оид матн турлари, уларнинг мазмун кўламини шакллантиришда сўз, атама ва образлар корреляцияси ҳамда банк матнларининг типологиясини яратиш тўғрисидаги тасаввурларни тизимлаштириш билан боғлиқ усуллардан 2014-2015 йилларда амалга оширилган И-204-4-5 рақамли “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 16 мартдаги 638/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада банк матнлари маъносининг денотатив таркибий қисмини тизимлаштириш билан боғлиқ усуллар ўқув луғатлари ва дастурлари ишлаб чиқишда хизмат қилган;

банк матнини иқтисодий мулоқотнинг ижтимоий модели ва кўрсаткичлари сифатида талқин этиш, банк матни ахборот мазмунининг шаклланишида адресат ва адресант факторларининг ўрнини аниқлашга доир материаллардан Европа Иттифоқининг Эразмус+ дастури 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP CLASS: “Computational Linguistics at Central Asian universities” грант лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 15 мартдаги 613/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижалар олий мактабларда ихтисослашган матн турлари, уларнинг мазмун кўламини ўрганиш, ихтисослашган матн ахборот мазмунининг шаклланишида адресат ва адресант факторларининг ўрнини тизимлаштириш тўғрисидаги маълумотлар ихтисослашган матннинг социолингвистик табиати билан боғлиқ ассоциатив экспериментлар, сўровномалар ўтказиш имконини берган;

банк матнларининг прагматик хусусиятлари, уларнинг мазмун кўлами ва таркиби каби масалаларга доир илмий-назарий хулосалардан Европа Иттифоқи томонидан Эразмус+ дастурининг 2016-2018 йилларга мўлжалланган 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-CBHE-SP-ERASMUS+CBHE IMEP: «Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш» номли лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат

чет тиллар институтининг 2021 йил 15 мартдаги 619/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек таълим тизимида ихтисослашган матн тушунчасининг тиллараро лексик манзарасини ўрганиш, ташқи ва ички белгилари бўйича банк матнларини прагматик аспектда тавсифлаш ҳақидаги хулосалар олий ўқув юрти талабаларида тиллараро ва маданиятлараро компетенцияни шакллантириш ва матн соҳасидаги билим-кўникмаларни халқаролаштириш имконини берган;

банк матнларининг лексик, грамматик ва стилистик ўзига хосликларини тизимлаштириш бўйича олинган натижалардан Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси 2021 йил 25 октябрь куни эфирга узатилган “Ассалом Самарқанд” кўрсатувининг навбатдаги сонининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилди (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 25 октябрдаги № 12-03/97 рақамли маълумотномаси) Натижада, томошабинларнинг ихтисослик матнларининг қиёсий лингвомаданий табиати ҳақидаги билимлари ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар кўринишида муҳокама килинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг асосий матни 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш. Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Тадқиқотнинг таянч назарий асослари” деб номланади. Банк фаолиятини кредит ташкилотларининг қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда рухсат этилган молиявий-иқтисодий фаолияти сифатида таърифлаш мумкин. Бундай иқтисодий фаолият мақсади фойда олиш ва фуқароларнинг турли банк хизматларни олиш эҳтиёжларини қондиришдан иборат бўлган ҳаракатлар, операциялар, битимлар мажмуини ўз ичига олади.

Демак, банк фаолияти тушунчасининг мазмун кўламини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга нолисоний омиллар қаторига умумий тарзда: банкларнинг иқтисоддаги аҳамияти ва ўрни, марказий банкнинг банк тизими марказий бўғини сифатидаги аҳамияти, тижорат банклари фаолиятининг ташкил этилиш асослари, банк ресурслари, тўлов тизими, банкларнинг ҳисоб-китоб ҳамда касса операциялари, банкларнинг кредит операциялари, банкнинг қимматли қоғозлар билан операциялари, валюта операциялари ва банкларнинг ташқи иқтисодий фаолияти, банк маркетинги, банк менежменти, банк ҳисоботи кабиларни киритиш мумкин.

Маълумки, банк тилининг қўлланиш доираси юқорида қайд қилиб ўтилган банк фаолияти соҳалари билан аниқланади. Банк ўзининг ранг-баранг кўринишларида ҳаётимизга барқарор кириб келдики, бугунги кунда биз мавжудлигимизни банк фаолияти ҳақидаги билимларсиз тасаввур қила олмаймиз. Банк фаолиятининг ўзида хилма-хил соҳаларнинг мавжуд бўлиши банк тили тушунчасини идрок этиш ва фарқли томонларини белгилаш сезиларли қийинчиликларни юзага келтириши табиийдир. Бу борада ҳар хил ихтисослаштирилган тилларни фарқлаш ҳаракатлари кўпгина тадқиқотчилар томонидан амалга оширилиб, уларнинг вертикал ва горизонтал фарқланишини ажратиш анъанавий тарзда қабул қилинган[4].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, банк тили, тилнинг уч сатҳи — илмий-назарий, амалий ва сўзлашув сатҳларини ўз таркибига олган ҳолда, иерархик тарзда ташкил топган. Банк фаолиятидаги реал мулоқот шароитида юқорида айтилган доираларда учала сатҳнинг ҳар хил тақсимланган ҳолда намоён бўлиши кузатилади. Мазкур факт банкдаги нутқий мулоқот жараёнида мулоқот шаклларининг солиштирма оғирлигини аниқлаб беради.

Иқтисодий мулоқот муаммоларига бағишланган ишларда банк матнининг тор ва кенг таърифлари келтирилади. Кенг маънода банк матни сифатида банк иш фаолиятига дахлдор ҳамма матнлар ва иқтисод мавзусига оид матнлар кўрсатилади ҳамда бундай таъриф иқтисод матнларининг сонини чексиз қилиб қўйиши таъкидланади. Шу боисдан, биз бу таърифни тадқиқотимиз мақсадига мос равишда торайтириб, банк матни деганда банк фаолиятига оид матнни, яъни банк дискурсидан парчани тушунамиз. Бу парча банкдаги мулоқотнинг коммуникатив ва функционал воситаси сифатида банк фаолиятининг муайян турлари доирасида изчил ва ўз-ўзидан тўлиқ намоён бўлади.

Банкнинг коммуникатив ҳаракатлари банк доирасидаги мулоқот асосини ҳосил қилади. Банк фаолияти ҳақидаги рекламалар, пресс-релизлар, ҳисоботлар, ташқи в ички хатлар, шартномалар каби турли-туман матнлар ва бошқалар энг муҳим мулоқот воситаларидир. Ушбу воситалардан ҳар бир банк ходими мулоқот жараёнида ўз ҳамкасбларига таъсир кўрсатиш учун фойдаланади. Банк матнлари маҳсулотларни сотишдан тортиб то охирги истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача, яъни мижозларни жалб

[4] Leitchik V. The Vertical Structure of Some LSP. // The 18th European Symposium on Language for Special Purposes: book of abstracts / ed. Larissa Alekseeva; Perm State University. - Perm, Russia: 2011. – 116 p.

қилишдан то уларнинг ишончини тўлиқ қозонгунча иштирок этади. Улар банкнинг муваффақиятли ва рақобатбардошлигини ҳал қилади.

Банк матнининг таърифи матн ҳодисасини прагматик жиҳатдан тушунишга боғлиқдир. Бунда матн комплекс нутқий ҳаракат сифатида тушунилади. Бундай ҳаракат ёрдамида сўзловчи ёки ёзувчи ҳамда тингловчи ёки ўқувчи ўртасида муносабат юзага келади. Бундан келиб чиқадики, матн ҳамда матн турларининг прагматикаси уларнинг прагматик жиҳатдан таърифланиши учун назарий асос яратади. Матннинг прагматик тушунилиши матнлар ҳам ҳаракат мажмуаси тури эканлигини воситасиз ифодалайди[5]. Матнни ўрганишнинг прагматик аспекти инсон фаолияти ва мулоқотининг муайян мутахассислик ва касб доиралари билан чегараланган алоҳида соҳаларини лисоний таҳлилга жалб қилиш имконини беради. Бундай ҳолатда махсус-профессионал муҳит мулоқот вазиятининг ўзига хос жиҳатларига ва реал мулоқот жараёнларига хос матнлар тадқиқот объектини ташкил қилади.

Банк матни лисоний ва прагматик модулларнинг ўзаро алоқаси натижасида юзага келади. Бунинг оқибатида матн структураси тил (лексик, грамматик, стилистик) сатҳига ҳам, прагматик сатҳга ҳам дахлдор бўлади. Прагматик сатҳ ўз навбатида яна икки: нутқий фаолиятли таркиб сатҳи ва ахборот таркибли сатҳга ажралади.

Банк тизимида нутқий фаолият тузилмаси ва ахборот таркибини воқелантириш воситаси сифатида нолисоний омиллар билан бир қаторда, лисоний бирликлар ҳам муҳим ўрин тутади[6]. Банк фаолиятига оид нутқий ҳаракатлар ва уларнинг бир-бирига нисбатан ўрнини ойдинлаштириш вазифасини, одатда, атамалар, сўзлар ва баъзан иборалар бажаради.

Атамалар матн таркибида етарли даражада учрайди ва муҳим семантик ролни бажаради. Оддий сўзлар каби, улар ҳам кўпмаъноли бўлишлари мумкин. Бундай ҳолат ноаниқликни ва бир атамани бошқаси билан алмаштиришга олиб келади, шу боисдан мулоқот жараёнида нутқ контекстига эътибор бериш зарурати юзага келади[7]. Бундай мулоқот вазиятида атаманинг тиллараро ижтимоий-маданий аҳамияти ҳақидаги масалани ҳам эътиборга олиш жуда муҳимдир. Банклар ўртасида халқаро алоқаларнинг тобора ривожланиб бориши, аксарият ҳолларда, банкдаги мулоқот доирасига икки тилли банк матнлари яратилишини талаб этади.

Банк матнлари воқеланишининг лексик сатҳдаги тиллараро ва маданиятлараро ўзига хослиги қуйидаги атамалар мисолида ҳам яққол кўзга ташланади:

Jobber (жоббер) атамаси инглиз тилидан ўзлаштирилган бўлиб, биржа брокерлари муайян қимматли қоғозлар билан операцияларга ихтисослашган мутахассисни ифодалайди. Ўзбекча таржимада jobber атамасини *биржа брокери* ёки *фонд бозори олибсотари* каби тўлиқ ибора билан бериш мумкин.

---

[5] Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. Монография.-Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти, 2008. – Б. 186.

[6] Золотарёва Е.Н. Языковые принципы организации текста банковской рекламы (на материале печатной продукции): Автореф. дис. ... канд. филол. наук.-Ставрополь: 2008. – С. 132.

[7] Лейчик В.М., Мешкова И.Н. Изучение термина в тексте// Текст в языке и речевой деятельности (состав, перевод, автоматическая обработка). Сб. науч. трудов.-М.: 1987. - С. 129-138.

Кўпгина ўзлаштирилган банк атамалар худди аслидагидек ўқилади ва маънога эга, масалан: клиринг – clearing, инкассо – inkasso, листинг –listing, know-how –но-хау, pool –пул, своп – swap, аваль – awal, альпари – al pari.

Кўпгина атамашуносликка оид тизимлардан фарқли ўлароқ, банк атамашунослик тизимининг бирликлари нафақат мутахассислар, балки кенг аҳоли нутқида ишлатилади. Буни Investor Relations – IR атамасининг умуман ихтисослашган матн таркибида қўлланиши мисолида кузатиш мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирги босқичда халқаро банк муносабатларнинг жадал ривожланиши янги маҳсулотлар, хизматлар ва технологияларнинг доимий пайдо бўлиши билан бирга, бу маҳсулотларни номлашга ҳам эҳтиёж туғдирмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, банк матнларида Investor Relations банк атама тизими, турли хил сўз ясовчи усуллар воситасида ясалган ва кейинчалик семантик модификацияларга учраган лексик бирликлар билан бойитилган ҳолда, доимий равишда ривожланиб бормоқда.

Банк матни мазмунининг шаклланиши ва тараққий этиши бевосита мамлакатнинг тарихий ва миллий хусусиятларига, иқтисодиётининг умумий ривожланиш даражасига, пул муомаласини тартибга солиш усулларига боғлиқ. Кўп тилшунослар ва атамашунослар банк матнларининг тизимли табиати ҳақида гапириб, матн мазмунини шакллантирувчи ташқи ва ички бирликларни майдонларга, синфларга, гуруҳларга мансублигига кўра, тоифаларга ажратишади[8].

Банк матнининг ички бирликларини ташкил этадиган банк соҳасига оид асосий атамалар мажмуидаги лисоний бирликлар банк матни мазмунининг таркибий қисмлари сифатида талқин этилади.

Банк матни мазмунидаги биринчи тоифага банк тизимининг даражалари киради. Буюк Британияда икки турдаги банк тизими мавжуд бўлганлиги сабабли, биринчи турга central bank (марказий банк), иккинчи турга commercial banks (тижорат банклари), шунингдек, банклардан ташқари, банк фаолиятини ахборот, методик, кадрлар билан ва илмий таъминлаш муассасаларини қамраб олган банк инфраструктурасини шакллантирадиган муассасалар киритилган.

Банк матни мазмунидаги иккинчи таркибий қисм банкларнинг мулкчилик шакли (молия капитали ва ташкилий-ҳуқуқий шакли) бўйича banking house (хусусий банклар), cooperative bank (кооператив банк); state bank (давлат банки), universal bank (турли хил хизматлар тақдим этадиган универсал банки), investment bank (инвестиция банки), deposit bank (депозит банки), savings bank (қарз-омонат банк), mutual savings bank (ўзаро омонат банки) каби турлари фарқланади[9].

Банк матни мазмунининг шаклланишида хизматларни тақдим этиш бўйича амалга ошириладиган операцияларнинг турлари муҳим ўрин тутади.

---

[8] Сарангова Т.А. Специфика банковских терминов “Investor Relations” в русском и английском языках // Вестник РУДН. Серия: Теория языка, семиотика, семантика.-М.: РУДН, 2012. №4. - С. 82-86.

[9] Федоров Б.Г. Новый англо-русский банковский и инвестиционный энциклопедический словарь: в 2 т. – СПб.: Лимбус Пресс, 2011. – 1744 с.

Марказий банк ўз функцияларини қуйидаги операциялар орқали амалга оширади: note issue (банкнотлар эмиссияси), lending (ссуда операцияси), deposit-taking (тижорат банклари ва ғазначилик депозитларини қабул қилиш), debt security issue (ўзининг қимматли заём қоғозларини чиқариш) ва бошқалар.

Банк матнлари мазмунининг яна бир таркибий қисмини даромад ва ҳужжатларнинг турлари ташкил этади. Биринчи ҳолатда маълум бир вақтда, маълум бир мамлакат банк тизимида амалга ошириладиган актив ва пассив операциялар туфайли шаклланадиган универсал даромад турларини белгилаш мумкин. Даромад турларига эса, fee ва charge (хизмат учун ҳисса), interest margin (фоиз маржаси – банкнинг актив ва пассив ставкалари ўртасидаги фарқ), ROA (Return on assets – активларнинг рентабеллиги, + банк активларидан фойдаланиш самарадорлигининг бевосита кўрсаткичи), ROI (Return on investment – инвестициялар рентабеллиги) кабилар киритилади[10].

Диссертациянинг иккинчи боби “Банк фаолиятига оид матнларнинг социолингвистик тавсифи”га бағишланган. Матнлар типологияси учун марказий масала - бу таснифлаш мезонлари – матнларга хос кўрсаткичлар ҳақидаги матнларни бўлимларга тақсимлаш асосига матнга хос кўрсаткичлар ёки матнга хос бўлмаган кўрсаткичлар ёки ҳар иккиси бир вақтда қўлланилиши мумкинлиги масаласидир. Матнга хос кўрсаткичларга гап ва матн тузилиши, луғат таркибининг хусусиятлари, профессионал лексиканинг мавжудлиги киритилади, матнга хос бўлмаган кўрсаткичларга эса, мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий мавқеи, уларнинг суҳбатга тайёргарлик даражаси, ихтисослаштирилган ва онгости билимларининг даражаси ва бошқалар киради[11]. Таснифлаш асосида ётадиган мезонлар таснифлашнинг мақсадига боғлиқ бўлади.

Кейинги пайтда таснифлашнинг прагматик, интенционал, социологик каби мезонлари таҳлилга жалб қилинмоқда.

Махсус матнлар типологияси учун асос сифатида матннинг ички мезонлари ҳам, ташқи мезонлари ҳам танланади. Бундай ёндашувда, одатда, матн турлари, матн синфи ва мулоқот тури ўртасида фарқлар кўрсатилади ва махсус матн турлари ички ва ташқи матн белгиларининг конфигурацияси сифатида тасвирланади[12]. Матннинг ташқи белгиларига: асосий лисоний функция (ифодалаш, тасвирлаш ва аппелятив); мулоқот жараёнининг тури (кундалик, расмий ва/ёки ҳуқуқий, илмий, адабий), иш предметлари ва ҳолатларининг соҳаси (замон ва маконга нисбатан), сўзловчи ва тингловчи ўртасида умумий коммуникатив вазият ва мулоқотнинг йўналиши (монолог, диалог) киради.

Матнларнинг, шу жумладан, махсус матнларнинг тилшунос олимлар томонидан тақдим этилган тасниф ва типологиялари банк фаолиятига оид

---

[10] Факов В.Я. Большой финансовый словарь. Англо-русский словарь: в 2 т. – М.: Международные отношения, 2011. – 1456 с.

[11] Таюпова О.И. Типология текста.-Уфа: 2002. – С. 42.

[12] Теркулова Д.Р. Лингвостилистические и коммуникативно-прагматические особенности английского рекламного текста : На материале текстов рекламы деловых услуг : Дис. ... канд. филол. наук.-М.: 2004. - С. 42.

матнларни типологик тасвирлашнинг мезонларини белгилашда муайян таянч назарий асос сифатида танланади. Иқтисодий мулоқот жараёнида ахборот мазмунининг шаклланиши ва реципиентга тўлиқ етказиб берилишида муҳим ўрин тутадиган нолисоний ва лисоний белгилар банк матни типологиясини яратишнинг асосий мезони сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Банк фаолиятига оид матнларга бундай ёндашув муайян мезонларга, яъни контекстуал ва структур белгиларга асосланишни назарда тутади. Банк матнлари типологиясини яратишдаги контекстуал белгиларга мулоқотнинг иқтисодий мулоқот воситаларига боғлиқ ҳолда фаолият соҳасида – ҳаракат ва баҳолашнинг ўзига хос меъёрлари мавжуд бўлган ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳалари бўлган: телефон, радио, почтанинг банк фаолияти доирасида амалга ошириладиган мулоқот шакли киритилади, Бу, масалан, банк ҳаёти, ходимлари, банк маркетинги, банк менежменти, банк операциялари, банк ҳуқуқи доирасида кўзга ташланади.

Банк матни реал борлиқдаги айрим парчаларнинг расмий тавсифи сифатида эмас, балки вазият контекстида фрейм усулидан фойдаланганда турли хил шахсий ҳаётий вазиятларни қамраб оладиган социокогнитив аспект тушунчаси сифатида идрок этилиши мумкин [13] . Дарҳақиқат, ҳар қандай билим ақлий схемалар ёрдамида қурилади. Концептуал тизим эса шахснинг турли даражаларда, шу жумладан, профессионал мулоқот, махсус матн, дискурс ва контекст даражасида ўзаро боғлиқ маълумотлар тизими сифатида қаралади.

Шубҳасиз, банк матни ўз табиати бўйича антропоцентрикдир: у банк мутахассислари ва ходимлари ҳамда мижозлари учун мўлжалланган. Банк ташқи оламининг объектлари ва ҳодисаларини бутун лисоний категорияларга ажратиш ҳам инсон омили билан боғлиқ[14]. Агар норасмий тавсифлар, яъни ташқи кўриниш, феъл-атвор хусусиятлари тавсифи нисбий ва турли маданиятларда турлича идрок этилиши мумкин бўлса, банк ходимининг ижтимоий мавқеини кўрсатиш ва номлаш ҳар қандай тилда аниқ бўлиши керак. Глобал бизнес ҳамжамияти асрида ижтимоий мавқени, хусусан, лавозимни англатадиган лексема ёрдамида шахснинг муайян гуруҳда тутган ўрни, лавозимини кўрсатиш ҳам муҳим мақомлардан бири сифатида аниқ ва тўлақонли информатив қийматга эга бўлиши керак.

Банк маркетинги матнларини ўрганиш шуни кўрсатадики, маркетинг журналлари банк ичида ходимнинг лавозимини ифодалайдиган лисоний бирликларни ўз ичига олиши бўйича етакчи ҳисобланади. Деярли барча мақолалар - кириш, бўлимлар ва филиалларнинг янгиликлари, интервьюлар, шарҳлар, спорт ва маданий хабарлар, иқтисодий шарҳлар - маркетинг журналидаги лавозим лексикасининг манбасидир.

Лавозим лексикасини инглиз-ўзбек тилларида аниқ мисоллар асосида кўриб чиқамиз. Таҳлил учун Renault Trucks Mag компаниясининг корпоратив

---

[13] Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91б.

[14] Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание: пер. с англ.; отв. ред. М.А. Кронгауз, вступ. ст. Е.В. Падучевой. -М.: Русские словари, 1997. – С. 21; Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Т.: Фан, 2007. – 272 с.

журналларидан бирининг, яъни 2013 йил 2-сон[15], мақолаларида кўрсатилган 25 та лавозим номи олинди.

Мисоллар таҳлили бизга лавозим номлари – бу бизнес алоқаларида ишлатиладиган махсус лексик қатлам деб айтишимизга имкон берди, аммо, семантик мазмунига кўра уларни на илмий, на иш услубларига киритиб бўлмайди.

Банк матни иштирокчиларининг мақом-вазифа тавсифларининг лисоний ифодаланиш воситаларини аниқлаш учун биз инглиз тилидаги банк маълумотномалари, банк иши бўйича махсус адабиётлар, банк нашрлари: йиллик ҳисоботлар оммавий ахборот воситаларида чоп этилган материаллар: янгиликлар, таҳлилий, имижмейкерлик материаллар, банклар тўғрисидаги реклама материаллари кабиларни таҳлил қилиб чиқдик. Банк матни иштирокчиларининг мақом-вазифа тавсифлари матннинг ушбу тури доирасида мулоқотнинг турли соҳаларидаги иштирокчиларнинг функционал белгилари асосида ўрнатилади (1-жадвалга қаранг).

1- жадвал

Банк матни иштирокчиларининг ижтимоий мақоми-вазифаси тавсифлари

Алоқа соҳаси	**Банк матни иштирокчилари**	
	Адресант (банк)	**Адресат (банк билан алоқага кирадиган коммуникант)**
ижтимоий қурилма соҳаси	ижтимоий-иқтисодий институт	жамият
иқтисодий муносабатлар соҳаси	молиявий-кредит муассасаси	актуал мижоз, акциядор, инвестор
ижтимоий муносабатлар соҳаси	маърифатчи, маслаҳатчи, имижмейкер, реклама берувчи, ҳомий	жамоатчилик, потенциал мижоз, банк ходими, ОАВ вакиллари

Фаолиятнинг ихтисослашишига, ташкилий-ҳуқуқий шаклига, ҳажмларига қараб, банк кредит-молиявий муассаса умумий маъноли лексик-семантик парадигманинг аъзолари ёрдамида лисонийлашадиган дифференциал статус-роль тавсифларига эга бўлади. Масалан: Central bank, State Central Bank, Bigbank, Universal bank, Private bank, Direct bank, Business bank, Private banking house, OnlineBank, Commercial bank, Central bank, Ship bank, Cooperative bank, Save cashbox, Building society, Deposit bank, Securities collecting bank, Giro bank, Giro central, Credit bank, Mortgage bank, Exchange bank, Securities bank, Insurance bank, Investment bank, Real estate bank, Surety bank, Installment bank ва бошқалар. Ушбу парадигманинг катта қисми банк муассасаларининг кенг тармоғи ва кўрсатиладиган хизматларнинг бой спектри билан тақдим этилган инглиз банк тизимининг юқори даражада ривожланиши билан боғлиқ.

[15] Renault Trucks Mag, Volvo Group. – № 2. –2013. – 56 p.

Ижтимоий-ахборот функцияларини амалга ошириш банкка маърифатчи, маслаҳатчи, имижмейкер, реклама берувчи, ҳомий, меценат каби ролларни белгилаб беради. Банкнинг ушбу мақомий тавсифлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттиришнинг баъзи хусусиятларини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Тўғридан-тўғри лисоний ифода ижтимоий муносабатлар соҳасидаги банкнинг ролларини кўрсатиш учун характерли эмас. Роллар, асосан, билвосита кўрсатилади, яъни турли хил ижтимоий ва ахборот характеридаги тадбирлари ёрдамида.

Банк матнининг иккинчи иштирокчиси банк билан алоқада бўлган ҳамда бир қатор мақом-вазифа хусусиятларига эга бўлган коммуникант, яъни адресатдир. Ижтимоий тузилиш даражасида жамият, яъни бирга яшаш ва фаолият ижтимоий шакллари билан тарихан бирлаштирилган одамларнинг мажмуи шундай коммуникант ҳисобланади. Ушбу мақом-вазифа тавсифини бевосита лисоний ифодалаш учун Society лексик бирлиги ишлатилади.

Банк матни адресатининг статус-роль тавсифларини лисоний фарқлаш ушбу алоқа соҳасида умумий “мижоз” маносига эга лексик-семантик парадигманинг аъзолари ёрдамида амалга оширилади. Бунда мижозларнинг номлари фарқ қилади:

- ҳуқуқий мавқеи бўйича, масалан: private customer, business customer, corporate customer, entrepreneur customer, group customer;

- алоқа канали бўйича, масалан: personal customer, direct customer, telephone customer, online customer;

- тақдим этилаётган хизматнинг тури бўйича, масалан: depositor, saver, building society saver, depositor, account holder, policyholder, borrower.

Ижтимоий ўзаро алоқалар соҳасида, кенг жамоатчилик (publicity), банк ҳодимлари (Bank staff, employees), акциядорлар (shareholders), инвесторлар (investors), оммавий ахборот воситаларининг вакиллари (journalists, newspaperman) банк матни адресатини ташкил этади.

Банк матни иқтисодий мулоқот ва унинг доирасида мавжуд бўлган ижтимоий мулоқот турларининг лисоний модели сифатида намоён бўлади. Банк фаолиятининг ижтимоий модели банк мулоқоти жараёнида турли банк матнлари воситасида воқеланиши мумкин, масалан, а) номлар воситасида (банк номи, банк логотипи, банк биноси ва унинг ҳудуди, банкнинг ички интерьери, банк персонали, корпоратив услуб); б) ташкилий воситалар (жамоатчилик билан алоқа: пресс-конференциялар, тақдимотлар, битимларнинг оммавий қўл қўйилиши; кўргазмалар, очиқ эшиклар куни, банкнинг ахборот бюллетенлари); в) полиграфик воситалар (банк хатлари, почта тарқатмалари, рекламалар, акция, чек, кредит карталари, конвертлар, бланклар, телефон справочниклари, сувенирлар, буклетлар, плакатлар); г) электрон воситалар (телефон, радио-телевидение, электрон почта, интернетдаги саҳифалар).

Банкдаги муносабатлар тўғрисидаги масалани банк матнларининг ситуатив контексти сифатида ўрганишга якун ясаган ҳолда, қуйидагини тасдиқлаш мумкин. Банкдаги мулоқот иқтисодий мулоқотнинг бир қатор кўрсаткичлар билан тавсифланадиган тор кўлами кўринишидир. Бундай

кўрсаткичлар орасида мутлақ мулоқотга хос бўлган (мақсад, функция, алоқа шароитлари, иштирокчилар ва уларнинг тавсифлари) ва банкдаги фаолиятнинг мулоқот тамойилини аниқлайдиган коммуникатив кўрсаткичлар ва банкдаги ўзаро муносабатларни аниқлайдиган ихтисослаштирилган кўрсаткичлар ажралиб туради. Улар орасида ихтисослаштирилганлик, институционаллик, банкда фаолият юритиш ва бандлик структураси, функционал-лавозим иерархияси, мулоқот вазиятларининг корпоратив ўхшашлиги ва бир хиллиги асосий кўрсаткичлардир.

Банкдаги муносабатларнинг санаб ўтилган барча мулоқот ва ихтисослаштирилган кўрсаткичлари банк фаолияти тўғрисидаги матнларда инглиз тилидаги матнларнинг яратилиш жараёнини аниқлайди, бу ҳолат уларнинг аниқ лисоний тавсифларида ва мулоқот шаклларида намоён бўлади.

Учинчи боб “Банк фаолиятига оид матнларнинг прагмалингвистик тавсифи” ҳақида бўлиб, унинг биринчи бўлими “Банк матнларини прагматик аспектда ўрганиш имкониятлари” деб номланади. Коммуникатив таъсирнинг билвосита табиати унинг банк дискурсидаги асосий хусусиятидир. Таъсирнинг билвосита табиатини тавсифловчи лисоний ва нолисоний белгиларни аниқлаш мақсадида биз банк фаолиятида қўлланадиган турли жанрлардаги матнлар – банкларнинг фирма маълумотномалари, босма оммавий ахборот воситаларида банк реклама матнлари, банклар фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни таҳлил қилдик. Натижада, коммуникатив таъсир стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда банк дискурси доирасида таъсир қилиш усулини аниқлаш ушбу турдаги матннинг коммуникатив мақсад ва вазифаларининг ўзига хос хусусияти, нутқ ва когнитив фаолият объектининг ўзига хос хусусиятлар, ахборот узатиш шакли ва канали, адресатнинг ижтимоий тавсифлари, ахборотни қабул қилиш шартлари каби омиллар таъсирида содир бўлиши аниқланди.

Коммуникатив таъсир этиш стратегиясининг асосий йўналишини аниқлайдиган энг муҳим омил – бу адресатнинг ижтимоий демографик тавсифларидир. Самарали мулоқот олиб бориш учун ўз адресатини яхши билиш, унинг ғоялари ва қадриятлари, унинг барча далилларини аниқ англаб етган бўлиши керак. Ҳар бир ёш ва ижтимоий гуруҳга ёндашишнинг ўзига хос идрокий тамойили бор. Г.Г. Почепцовнинг сўзларига кўра, “ишонтириш учун ким билан гаплашаётганингизни билишингиз керак”[16]. Банк дискурси доирасидаги самарали таъсир муайян ижтимоий гуруҳлар ҳамда алоқа аудиторияларининг эҳтиёжлари ва талаб мотивларини батафсил таҳлил қилишни назарда тутади, чунки маълум турдаги банк хизматлари фақат белгиланган гуруҳга мансуб мижозлар учун зарур ва фойдалидир.

Коммуникатив таъсирнинг нолисоний воситалари сифатида реклама эълонлари ва фирма ҳақида маълумотномаларда сарлавҳани шрифтли ва рангли ажратиб кўрсатиш кенг қўлланилади, кўпинча, сарлавҳа слоган (шиор) сифатида шакллантирилади.

[16] Почепцов Г. Г. Коммуникативные технологии двадцатого века.-М.: Рефл-бук; Киев: Ваклер, 2000. - С. 41.

Адресатнинг ишонмаслиги ва фикрини ўзгартиришини бартараф этиш учун билвосита нутқ тактикаси услублари қўлланилади, улар орасида адресатга яқин ижобий контекстни яратиш, адресатда мавжуд бўлган қадриятлар ва идеаллар тизимига мурожаат қилиш, бунда орттирма нисбатдаги феъл туркумига мансуб сўзлардан кам фойдаланиш, иложи борича ахборотни аниқ ва ишончли баён этиш каби прагматик усуллар устунлик қилади.

Шундай қилиб, банк дискурсининг коммуникатив таъсир стратегияси адресант ҳаракатлари ҳақидаги кенг қамровли дастур бўлиб, лисоний ва нолисоний воситалар ёрдамида хабарда ахборотни танлаш, тузиш ва тақдим этиш усулларини ўз ичига олади ва коммуникатив мақсадга эришишга қаратилади.

Банк фаолияти тўғрисидаги матнлар банк тилининг ёзма монологик кўринишда намоён бўлишидир. Нутқнинг ёзма шакли ёзувчи ихтиёрига лисоний, паралингвистик ва экстралингвистик воситаларнинг тўлиқ мажмуасини тақдим этади. Бу воситалар айнан ёзма матнларнинг хусусиятларини юзага чиқаради. Банк матнларининг ёзма шакли билан бир қаторда иқтисод мазмуни ҳақида ахборотни тақдим этишнинг символ-график шакллари ҳам муҳим ўрин тутади. Буларга жараёнлар ва структура ҳақидаги диаграммалар, статистик тасвирлар, схемалар, бошқа расмлар, хариталар, фотосуратлар киради. Масалан: Standard Chartered банки реклама буклетларининг ташқи дизайни реципиентга таъсир қилишнинг ҳам лисоний, ҳам нолисоний воситаларнинг бирикмасини акс эттиради.

Шунингдек, глобуснинг тасвири, банкнинг олтин харитаси ва Евро Иттифоқ байроғининг тасвири ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси, бўлажак мижозларга банкнинг дунёга машҳурлиги, Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳудудида хизмат кўрсатиши ва юқори сифатли хизматга ишонч бағишлаши ҳақида қўшимча маълумот беради. Ушбу паралингвистик воситалар лисоний воситаларга нисбатан ёрдамчи восита сифатида ишлатилади ва матн мазмунига қўшимча семантик ва экспрессив маъно нозикликларини киритади.

Банк фаолияти тўғрисидаги матнга нисбатан унинг асосий ахборот берувчи функцияси тўғрисида гапириш мумкин. Шундай бўлса-да, бугун Standard Chartered ва Bank of England банкларининг матнларида ифодаловчи ва аппелятив функцияларнинг тараққий этаётганлигига гувоҳ бўламиз. Аппелятив функция кўпроқ билвосита содир бўлади, у банк матнида очиқ ифодаланмайди. Масалан: Perhaps you are already a customer of Standard Chartered. If not, let us convince you too. Бу мисолда рағбатлантириш функцияси императив конструкция воситасида ифодаланган.

